***«Одамлар онгида демократик қадриятларнинг мустаҳкам жой олиши, улар фуқаролик фаоллигининг ортиши, мамлакатда юз бераётган демократик ўзгаришлар кўламининг кенгайиши ва чуқурлашиб боришида касаба уюшмалари роли ва аҳамиятини кучайтириш зарур».***

(Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи ҳужжатларидан)

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ

## Наманган

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

*(Боши 1-бетда)*

Ҳозирги вақтда агросаноат мажмуи тизимида ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилаётганлиги туфайли жойлардаги касаба уюшма ташкилотларининг структурасини хўжалик тизимида рўй бераётган ўзгаришларга мослаштириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди. Тугатилаётган ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари вужудга келиши муносабати билан ҳар бир фермер хўжалигида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилмоқда. Уларга услубий ва ташкилий ёрдам бериш мақсадида жойларда агросаноат мажмуи касаба уюшмаси туман кенгашларининг вақтинчалик вакиллик тизими жорий этилди. Шу тариқа туман кенгашларининг вақтинчалик вакиллари янги фермер хўжаликларида тузилган бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятини йўлга солишда асосий восита ролини ўйнамоқдалар.



Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси, тармоқ вилоят кенгашлари ва вакилликлари жойларда касаба уюшма фаоллари, корхона, ташкилот, хўжалик ва муассасаларнинг ходимлар билан ишлаш бўйича мутахассислари ва ҳуқуқшунослари иштирокида меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши бўйича ўқув-семинарлар, суҳбатлар ва савол-жавоб тадбирларини мунтазам ўтказиб келмоқдалар. Қилинган ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида вилоят касаба уюшмалари ташкилотларига 31 та ёзма ва 180 та оғзаки мурожаатлар келиб тушди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 25 фоизга кам деганидир.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти шаклланаётган ҳозирги даврда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифани рўёбга чиқаришда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III ва IV Қурултойларида қабул қилинган «Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат Дастури» муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, касаба уюшмалари ҳаракатининг бош мезони этиб белгиланган ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида вилоят касаба уюшмалари ташкилотларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда 13 та ҳудудий келишув, 15 та вилоят миқёсида ва 45 та туманлар миқёсида тармоқ келишувлари, жойларда 8863 та жамоа шартномалари тузилди ҳамда улар белгиланган тартибда экспертизадан, рўйхатдан ўтказилди. Мазкур жамоа келишувлари ва шартномаларига киритилган мажбуриятларнинг ўзига хос бир жиҳати бор. У ҳам бўлса, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида кам таъминланган ходимларга манзилли ёрдам бериш йўлга қўйилганлигидир.

Корхона ва ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномаларида ходимлар, шу жумладан, аёлларга қатор ижтимоий имтиёзлар белгиланган. Фикримиз далили сифатида жамоа шартномалари орқали амалга оширилаётган ишлардан айрим мисоллар келтирамиз:

иш берувчилар билан касаба уюшмалари ҳисобидан 3606 нафар кам таъминланган ва кўп болали оилаларга 34 миллион сўм, 1221 нафар пенсионерга 8 миллион сўм, 466 нафар ногиронга 4 миллион сўм, 1930 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига 35 миллион сўм, 336 нафар байналмилалчи жангчиларга 2 миллион 700 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сонли қарорини ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қўйилган бу борадаги вазифаларни бажариш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Ушбу масала Бирлашма, тармоқ вилоят, туман кенгашлари ва вакилликлари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг йиғилишларида мунтазам муҳокама қилиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш масаласи касаба уюшма қўмиталари йиғилишларида 36 марта, раёсат йиғилишларида 14 марта кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Иш берувчилар олдига жами 47 та талабномалар қўйилиб, 125 миллион сўм, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига 5 та ёзма мурожаатлар киритилиб, 30 миллион сўм иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик ундирилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси, тармоқ вилоят, туман кенгашлари ва вакилликлари томонидан 115 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнат муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганилди ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича 561 та ҳолатда қоида ва меъёрларнинг бузилганлиги аниқланиб, уларнинг аксарияти жойида, ўз вақтида бартараф этилди.

Касаба уюшма органлари раёсат йиғилишларида ва қўмита йиғилишларида меҳнат шароити ҳамда муҳофазасига оид 43 та масала кўриб чиқилди. Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларга 65 та ҳуқуқий маслаҳатли ёрдам берилди.

Ҳаёт гўзал, лекин унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Қувонч ҳам, ташвиш ҳам одамлар билан. Кўпчиликда барака, деб бежиз айтилмайди. Эл корига яраб яшаганга не етсин.

**Пайзулло ПАЯЗОВ,**
**вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси раиси**

***Расул бобо эсини таниганидан буён қўлида кетмон: бу ёғи пилла қурти парваришлашдан тортиб чорвага хашак тўплашгача иштирок этди. Шу тариқа етти ўғил-қизни ўстирди, тарбиялаб вояга етказди, уйлаб-жойлади. Чол-кампир бунинг учун минг бора Яратганга шукрона айтишади. Лекин яширадиган жойи йўқ, икки ўғил ва қизлари бола-чақаси билан капалакдек ҳовлида тиқилиб қолишди. Тўғри, уч ўғлига жой сўраб борганида хўжалик раҳбарлари қўллаб-қувватлашди, «йўқ» дейишмади. Аммо манави иккисига қолганда яна «участка» сўраб боргани юзи чидамаяпти. Бироқ икки келин орасида юз берган кечаги даҳанаки «жанг» ўйга толдириб қўйди. Кўзининг очиғида ўғилларидан бирини алоҳида қилмаса, оқибати яхшиликка олиб келмайдиган кўринади.***

## БУ ЕРДА ҲЕЧ ҚАЧОН

Оқсоқол шуларни бирбир чиғириқдан ўтказди-да, ҳассасини дўқиллатиб бошқарув идорасига қараб йўл солди. Оқшом тушиб, тун ўз сепини ёйганига қарамай, бир неча хонада чироқ ёниқ эди. Раисни сўраб эди, туман марказига мажлисга кетганича қайтмаганини айтишди. Оқсоқолнинг ёдига касаба уюшма қўмитасининг раиси тушди. Салом-алиги яхши бола, кўнглидан ўтказди у, доимо қандайдир ташвишлар билан шошиб юради, бир қарасанг, қайсидир шийпонни кўздан кечираётган, яна бир қарасанг, болалар боғчасини кўриб юрган, бошқа бир сафар эса касалхонада ётган кимнидир йўқлаб қайтаётган бўлади. Айниқса, ўтган кузда оқсоқолларни Андижонга айлантириб келгани маъқул тушди. Ҳамма дуо қилди. Ахир, ким ҳам атайлаб ўшандай шаҳарларга боради? Йўл кираси фалон сўм, автобусга чиқ, ҳассангни дўқиллатиб нотаниш жойларни кез. Булар ўз-ўзидан бўлармиди? Бунинг устига олти қарияни «Чортоқ» сиҳатгоҳида дам олдирди. Шулар ёдига тушди-ю, котиб йигитдан касабақўмни сўради.

— Абдусалом Қўчқоров ўз хонасида, — жавоб қайтарди йигит. — Ҳозиргина қаергадир қўнғироқ қилаётган эди.

Дарҳақиқат, отахон касабақўм эшигини очганида, А.Қўчқоров қандайдир қоғозларни титкилаб ўтирарди.

— Расул бобо, бормисиз, — оқсоқолни кўриб раис ўрнидан сакраб турди ва қўш қўллаб сўрашди. — Қандай шамоллар учирди биз томонларга? Ўзи кечагина хаёлимдан ўтгандингиз, бир хабар олай, деб тургандим.

Хона эгаси тафти чиқиб қолган бўлса-да пиёладаги чойни узатаркан, ҳол-аҳвол сўради. Бир мунча фурсат у ёқдан — бу ёқдан гаплашиб

## БОЛАМ ДЕБ ЯШАЙДИ ЎЗБЕК

Бу йилги соғломлаштириш мавсумида Наманган вилояти бўйича 11 мингдан зиёд ўғил-қиз сўлим оромгоҳларда дам олдирилиши режалаштирилган. Ана шу муҳим тадбирга пухта ҳозирлик кўрилди.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Вилоят касаба уюшмаси махсус гуруҳлар ташкил қилиб, тайёргарлик ишларини мунтазам назорат қилиб борди. Хусусан, Уйчи туманида жойлашган «Ҳумо», Поп туманидаги «Офтобча» болалар оромгоҳлари шаънига таҳсинлар айтилган бўлса, Норин тумани ҳудудидаги «Норин» оромгоҳида муайян камчиликлар борлиги таъкидланиб, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Яна бир гап. 6735 нафар кам таъминланган, кўп болали оилаларга имтиёзли йўлланмалар беришга қарор қилинди.





Хирмон тўлиб тўкилди дон

### *Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

***Биз хоҳлаймизми, йўқми, умрнинг энг қайноқ дамлари ишхонада ўтади. Бир кун келиб ортга боққанингда кўнглингда иликлик уйғотишга қодир ҳис-туйғулар жунбушга келса, билки, умринг беҳуда ўтмабди.***

## ИФТИХОР ТУЙҒУСИ



Мутахассислигим муҳандис-технолог. Касбимни жуда яхши кўраман. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битиргунимга қадар ҳам ушбу соҳага меҳр қўйганман. Наманган шойи газламалар комбинатида беш йил ип калаваловчи бўлиб ишлаганман. Диплом олгач ҳам шу ерда навбат устаси сифатида фаолиятимни давом эттирдим. Сўнг Жиззах ип-йигирув фабрикасида катта уста, Уйчи йигирув-тикув фабрикасида навбат устаси, муҳандис-технолог, лаборатория бошлиғи, назоратчи вазифаларида ишладим.

Ўн йилдирки, «Аснамтекстил» ўзбек-турк масъулияти чекланган корхона касаба уюшма қўмитаси раисиман. Иш кўп, муаммо кўп. Лекин нолишга ҳеч бир асос йўқ. Ҳар бир ечимини топган масала кучимга куч, ғайратимга-ғайрат қўшади. Одамларнинг бир оғиз «раҳмат» деган сўзи бутун чарчоқларимни чиқариб юборади.

Мана, май ойи режаларини ҳам ортиғи билан бажардик. 178 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Бу дегани, иш ҳақи ўз вақтида берилади, ижтимоий масалалар ҳам жой-жойида ҳал қилинади. Бунда, шакшубҳасиз, маъмурият ва касаба уюшмаси жамоа шартномасига қатъий риоя қилган ҳолда баҳамжиҳатлик кўрсатаётгани қўл келмоқда.

Ишчида ўзи бажараётган ишга нисбатан ифтихор туйғуси шакллансагина сифат ва унумдорлик ҳақида фикр юритиш мумкин. Бунга фақат яратиб берилган қулай шароит ва ғамхўрлик орқалигина эришилишини ўз тажрибамдан яхши биламан. Корхонада медпункт ишлаб турибди. 140 ўринли ошхонада тайёрланаётган овқатлар ишчи-ходимлар учун бепул. Сут маҳсулотлари бериш йўлга қўйилган. Ишга бориб-келиш учун бепул транспорт қатнови жорий қилинган бўлиб, бу биринчидан, ишлаб чиқаришдаги узлуксизликни таъминласа, иккинчидан, ходимларни йўл азобидан ҳам халос қилади.

Дарвоқе, яна бир гап. Чанг-ғуборли ҳолатда меҳнат қилаётган ишчиларга эколаборатория тавсияси билан 4 фоиздан 12 фоизгача қўшимча ҳақ тўланади. Ушбу хизмат тавсияси билан қўшимча таътиллар меъёри ҳам ишлаб чиқилган. Яъни, 1 йилдан 3 йилгача ишлаганларга 7 кун, 4 йилдан 6 йилгача ишлаганларга 9 кун, 7 йилдан кўп ишлаганларга 11 кун миқдорида қўшимча таътил бериш йўлга қўйилган.

Ўтган йили ишчи-хизматчиларимизнинг 30 нафар фарзанди мактаб қошида ташкил қилинган оромгоҳларда дам олдирилган эди. Бу йил «Ҳумо» оромгоҳи бағрида яна шунча бола ҳордиқ чиқаради.

Албатта, буларнинг барини ишловчиларнинг самарали меҳнати туфайли амалга ошириш мумкин бўлмоқда. Илғорлар кўп. Ўров цехи ишчилари — «Шуҳрат» медали соҳибаси Турсуной Пўлатова, Турғуной Нишонова, Фарида Ўринбоева, механик Обиджон Усмонов, навбат бошлиғи Аъзамжон Алихўжаев, лаборантлар Мавлудахон Мирзахалова, Ёқутхон Абдуллахонова, корхона ишга тушгандан бери меҳнат қилаётган Камолхон Хўжамбердиев кабилар бизнинг фахримиздир. Ҳазрати ишчи деган унвон улар учун таъсис этилган гўё.

**Гавҳархон АБДУЛЛАЕВА,**
**«Аснамтекстил» ўзбек-турк масъулияти чекланган корхона касаба уюшма қўмитаси раиси**

### *Дил сўзи*

## УМРБОД МИННАТДОРМАН

Яқин қирқ йил саноат корхоналарида меҳнат қилдим. Шундан чорак асри машинасозлик корхонасига тўғри келади. Пахта тозалаш корхонасида ҳам, қурилишда ҳам ишлаганман. Яна шу нарса билан фахрланаманки, Наманган кўз ўнгимда ҳунармандлар истиқомат қиладиган мўъжазгина қўрғондан қудратли ва замонавий, бир сўз билан ифодалаганда, саноати тараққий этган шаҳарга айланди. Бунда озми-кўпми ҳиссам борлигидан мамнунман.

Бундан беш йил муқаддам мени ҳурмат-эҳтиром билан нафақага кузатишди. Лекин жамият ҳаётидан, жонажон жамоамдан узилиб қолмадим. Орадан бир ҳафта ўтмасданоқ корхонам дарвозасидан қайта кириб бордим. Энди мени оддий бир киши сифатида эмас, балки ҳурматли меҳмон сифатида кутиб олишди. Корхона раҳбарияти эҳтиром кўрсатиб, бундан кейин ёшларга ўз тажрибаларимдан сабоқ беришимни илтимос қилишди.

Шундан буён жонажон жамоам ҳузурига, ўзим узоқ йиллар чўян қуйган цехимга тез-тез келиб тураман. Ҳамиша ҳурмат билан кутиб олишади. Ёшлар билан дилдан суҳбатлашиб кўнглим чоғ бўлади.

Мени хурсанд қилган нарса шуки, ишнинг қадрига етадиган, ўз аъзолари меҳнатини унутмайдиган ташкилот — бу касаба уюшмаси экан. Ҳар гал корхонага борганимда илиқ кутиб оладиган, байрам ва ҳайит кунларида, тобим қочиб қолганида, шифохонага ётиш зарурияти туғилганда ёки дори-дармон сотиб олишимда қўллаб-қувватлаётган мана шу жамоат ташкилоти бўлмоқда. Кейинги беш йил ичида касаба уюшма ташкилоти кўмаги туфайли вилоятимиздаги «Чортоқ» ва «Шаҳанд» сиҳатгоҳларида ҳордиқ чиқариб, саломатлигимни тиклаб олдим. Бунинг учун ушбу ташкилотдан бир умр миннатдорман.

**Ҳамидхон НУРИДДИНОВ,**
**меҳнат фахрийси**



Тадбиркорлик қиламан, ўзимни кўрсатаман деган одам борки, яратилган имкониятдан фойдаланиб эл-юрт бойлигига бойлик қўшмоқда, фаровонликка хизмат қилмоқда. Уйчи туманидаги Ёркатой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Тўлқин» тўқувчилик хусусий фирмаси ҳам ана шундай давр қалдирғочларидан.

**Суратда: Илғор ишчи Маликахон Отавалиева зиммасига юклатилган вазифаларни 125 — 130 фоизга бажариб, барчага ўрнак бўлаётир.**

**Қадимда бадавлат бир одам бўлиб, ёрдам сўраб келган киши борки, қўлига нимадир тутқазиб юборар экан. У билан ёнма-ён яшайдиган бошқа бир бой эса кўмакталабларга аввал юмуш буюриб, сўнг ишига қараб ҳақ тўлаб қўя қолар экан.**

**Эл-улус ўртасида баҳс чиқибди: қайси бир бой сахийроқ ва уларнинг қайси бири савобга доҳил? Бу гап қозикалонга қадар етиб борибди ва у депти: Икки бой ҳам савобга доҳил. Лекин аввал иш бериб, сўнг ҳаққини тўлаган кўпроқ саховатлироқдир. Чунки, бировдан тили қисиқ бўлиб яшаш андиша келтирур.**

## БИР ОДАМ ИШЛИ БЎЛСА

...Бозор муносабатлари унча-мунча одамни саросимага солиб қўйганлиги рост. Истиқболсиз деб топилган ва амалда ҳам рақобатга дош беролмай синган кўплаб корхоналар ўз фаолиятини тўхтатгач, муайян даражада ишсизлик юзага келди. Ноёб касб эгалари учун у қадар сезилмаса-да, оддий юмушларни бажариб юрган кишилар меҳнатига талаб камайди. Бу, табиийки, бир қатор муаммоларни юзага келтирди.

Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2006 йил 1 апрел ҳолатига ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти билан банд бўлганлар Наманган вилоятида 719,9 минг, вақтинча иш билан банд бўлмаганлар 26,5 минг кишини ташкил этади.

Дўстинг мингта бўлса ҳам кам, душманинг битта бўлса ҳам кўп, деган нақл юради эл орасида. Буни сўзлаб турганимиз мавзуга тадбиқ қиладиган бўлсак, ҳар бир ишсиз нафақат ўзи учун, шунингдек, оиласи учун, маҳалласи учун ҳам муаммо объекти ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида «Бандлик» дастури ишлаб чиқилган бўлиб, айни пайтда ана шу йўналишда кенг кўламда амалий ишлар қилинмоқда.

Дастурга асосан иш сўраб мурожаат этган фуқаролардан 8810 нафари иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлаштирилди. Уларнинг аксарият қисми ўз фаолиятини қишлоқ хўжалиги соҳасида давом эттирадиган бўлди.

Иш билан таъминлаш имконияти бўлмаган 2089 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилиб, улардан 621 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, 155 нафари қайта ўқитишга юборилди, 1247 нафари ишсизлик нафақаси билан таъминланди, 96

# Мустақилликнинг ўн бешинчи йилида

## Фаолларимиз ҳақида ҳикоялар

# ЧИРОҚЛАР ЎЧМАЙДИ

**Лавҳа**

ўтирган бўлишди. Ниҳоят, Расул бобо мақсадга кўчди.

— Уйингиздаги шароитдан сал-пал хабарим бор, — касабақўм раиси отахоннинг сўзларини тингларкан, қоғозга нималарнидир белгилаб қўйди. — Мен бу масалани бошқарув ҳайъатига етказаман. Ҳақиқатан айтганларингизда жон бор. Ўртадан оқибат кўтарилмай, масала-ни бир ёқлик қилиш керак.

Расул бобо илиқ муомаладан кўнгли ёришди. Абдусалом Қўчқоров отахонни кўчагача кузатиб қўяркан, кулиб деди:

— Бошқарув аъзолари яқинда маслаҳатлашдик, бу йил оқсоқолларни Фарғона томонга саёҳат қилдирмоқчимиз.

Расул бобо дуога қўл очди.

А. Қўчқоров хонасига қайтиб киргач, хаёлга ботди. Халқимиз қанчадан-қанча синов даврларини бошдан кечирди. Биргина томорқа бериш масаласини олинг. Истиқлолгача пахта майдонини камайтирмайсан, деган сиёсат туфайли ҳатто қишлоқ жойларда бир неча оиланинг каталакдек ҳовлида тиқилиб яшаган вақтлари бўлди. Президент Фармони билан эндиликда ўнлаб, юзлаб, минглаб оилалар янги ҳовлиларга кўчиб чиқишаяпти. Элга қилинган ғамхўрлик аслида мана шу элнинг фидокорона меҳнати билан қут-барака бўлиб қайтади. Масалан, Тўрақўрғон туманидаги ушбу «Олтин водий» хўжалиги эришаётган кўрсаткичларни олиб қарайлик. Барча соҳаларда белгиланган режа-топшириқлар ортиғи билан бажарилмоқда. Хусусан, пахта ҳосилдорлиги 40 центнерни ташкил этди. 2006 йил ҳам баракали келмоқда. Пилла тайёрлашда белгиланган довон ошиб ўтилди. Ҳадемай ғалла ўрими бошланади. Кейин пахта... Ҳаммаси меҳнатнинг орқасидан. Рағбат бўлса кифоя. Зарур шарт-шароит яратилса бас. Касабақўм ўз фаолиятини ана шунга қаратмоқда. Маъмурият билан имзоланган жамоа шартномасида шулар ўз ифодасини топган.

Эрта баҳордан хўжаликдаги мавжуд дала шийпонлари таъмирдан чиқарилганлиги мана бугун қўл келмоқда. Бу ерда ишдан холи пайтларда мириқиб ҳордиқ чиқариш учун барча шароит муҳайё этилган. Ҳар бир шийпон қошида томорқа мавжуд бўлиб, иссиқ овқат тайёрлаш учун зарур сабзавотлар шу ернинг ўзидан чиқмоқда. Тарвуз-қовунлар ҳам пишай деб қолди.

Хўжаликдаги иккита болалар боғчасида юздан ортиқ кичкинтой тарбияланмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир дала шийпони қошида кўчма яслилар фаолият кўрсатмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, яшаш шароитларини яхшилаш масаласини ўзининг бош вазифаларидан бири сифатида билмоқда. Масалан, ўтган йили ўндан ортиқ киши вилоят сиҳатгоҳларида ҳордиқ чиқарган бўлса, амалдаги йилнинг шу кунигача 8 нафар ишловчи бу имкониятдан фойдаланди. Шунингдек, ишловчилар фарзандларидан камида 50 — 60 нафарини болалар оромгоҳларида дам олдириш кўзда тутилмоқда. Хўжалик қишлоқларидаги 12 та кам таъминланган оила, 14 та кўп болали хонадон, 8 нафар қаровчисини йўқотган кекса касаба уюшма назоратига олинган бўлиб, улар мунтазам равишда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Сиз истаган пайтингизда келинг. Албатта, саволингизга яраша жавоб, юмушингизга лойиқ хайр-барака топасиз. Чунки бу ерда қоронғу кечаларда ҳам чироқ ўчмайди.

**М. ИБРОҲИМОВ**

*Истиқлолнинг илк кунлариданоқ таълимга эътибор қаратилгани мана бугун ўз мевасини бера бошлади. Энг муҳими, иқтидор эгалари учун барча эшиклар очиб қўйилди. Бунинг натижаси ўлароқ ҳозирда қанчадан-қанча ёшлар хориж илм масканларида таҳсил олмоқда, бошқалардан кам эмаслигини амалда исботламоқда.*

*Албатта, бунга юртимизда яратилаётган шарт-шароит, замонавий ўрта махсус ўқув юртларига катта эътибор қаратилаётгани омил бўлмоқда. Нафақат йирик шаҳарлар, балки олис туманларда ҳам бугунги кунда маҳобатли лицей ва коллежлар қад ростлаб турибди.*



## Фахр

# 14 ЁШЛИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

***Алишер Алиевнинг жаҳон чемпиони бўлганлиги ҳақидаги хушхабар Наманган шаҳрига бир зумда етиб келди. Алишер ўқиётган 7-мактабдан, вилоят ҳамда шаҳар халқ таълими бўлими ва бошқармасидан, спорт ташкилотларидан, ҳокимлик ва ёшлар ташкилотидан вакиллар уни чин дилдан табриклашди.***

Ота-оналарининг бошлари осмонда. Ахир эндигина 13 дан ошиб 14 ёшга қадам қўяётган ўғиллари шунчалик обрў-эътибор олиб бериб турса, улар қувонмасдан, фахрланмасдан ким қувонсин? Алишер ҳунарманд заргарлар оиласида дунёга келди. Айтишларича, бир неча авлодлари шу ҳунар билан шуғулланган ва меҳнат қилиб тирикчилик ўтказган. Шунинг учун ҳам ўғил бола атак-чечак юра бошлаганидан эътиборан заргарлик ҳунари бўйича кўзи пишитиб борилган.

Алишер ҳам бундан мустасно эмас. Анъанага кўра у ҳам заргарлик ҳунарининг баъзи жиҳатларини ўрганиб борса-да, спортга кўпроқ қизиқди.

— Телевизорни камроқ кўргин, ўғлим, муштлашиб ҳеч ким обрў топган эмас, қолаверса, бу йўл билан тирикчилик ўтказиб бўлмайди. Сен кўпроқ дўконга қатнагин, ана шунда келажагингга замин яратасан, — дея дакки берарди дадаси.

Ҳаётнинг кутилмаган йўллари-ю, тасодифлари кўп экан. Мактабга қатнай бошлаган Алишер турли хил спорт тўгаракларига ёзилди. Кечга яқин машғулотлардан ҳориб-толиб келса-да, дадасига бир кўриниш бериш учун дўконга ўтиб қўярди.

— Майли ўғлим, сен энди уйга бора қол, бусиз ҳам оёқда аранг турибсан. Оиламиздан битта заргар кам чиқса чиқипти-да, — дерди отаси кулиб.

Алишер футбол, волейбол, қўл тўпи, гимнастика ва шу каби бошқа спорт тўгаракларига қатнаб кўрди. Аммо унга кикбоксинг жуда маъқул бўлиб қолди.

— Бу ҳунаринг менга унча ёқмаяпти-да, ўғлим, ғирт муштлашув экан-ку. Ҳам бокс тушасан, ҳам тулпорга ўхшаб тепишасан, — дея дадаси эътироз билдирганида:

— Кикбоксингда одам ҳар тарафлама ривожланади. Ҳам оёқ, ҳам қўл тенг ҳаракатга келади. Кишини эпчилликка, ҳушёрликка, ҳар доим ҳар қандай йўсиндаги кутилмаган зарбаларни қайтаришга тайёр туришга ўргатади. Устозимиз Абдуллажон ака Тошбоев шундай деганлар. — Ўғлининг жавоби отани қаноатлантирди.

Кун ўтган сайин ўз жойига ўтқазилган ниҳол чуқурроқ илдиз отиб мустаҳкамланиб боради. Алишернинг ҳам ёшига ёш қўшилиб ва синфи юқорилашиб борган сайин ўрганаётган спорт тури бўйича малакаси ошиб, жисмонан чиниқиб борди. Аввалига мактаб миқёсида, кейинчалик шаҳар мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган мусобақаларда фаол иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгаллади. 5-синфга ўтганида ёши ва вазни бўйича Фарғона водийси мактаблари ўқувчилари ўртасида уюштирилган беллашувда ғолиб бўлди.



— Алишердаги энг муҳим хислат эришилган натижа билан асло кифояланиб, қолмасликдир, — дейди Тошбоев. — Ҳар қанча ҳориб- толмасин шу бугун учун мўлжалланган режани рўёбга чиқармагунча машқни тўхтатмайди. Уйида ҳам ҳар куни тонг саҳарда ва кечқурунлари машқ қилади.

А.Тошбоев шогирдининг тиришқоқлиги, ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишдан чўчимаслигига исбот қидирилибми, бир мисол айтди.

— Унда Алишер 5-синфда ўқирди, — дейди мураббий. — Тошкентда ўсмирлар ўртасида кикбоксинг беллашуви ўтказиладиган бўлди. Қозоғистон ва Марказий Осиё давлатлари ёш спортчилари ўртасидаги мусобақада қатнашиш учун биз ҳам етиб бордик. Қарангки, Алишер билан тенгқур спортчилар йўқ экан. Энг ками икки ёш юқори.

— Майли, умидсизланма, хафа ҳам бўлма. Кейинги сафар қатнашасан, — дедим боланинг кўнглини кўтариб.

— Барибир рингга чиқа бераман, — деди Алишер унамасдан. — 14 ёшлилар бор экан-ку, ўшалар билан тушаман.

Ҳакам аввалига унамади, аммо Алишернинг аҳди қатъийлигини кўриб, рухсат берди. Ўзидан деярли бир қарич, вазни ҳам шунга яраша ўн килоча ортиқ қозоқ бола билан рингга тушган Алишер беш дақиқа ўтар-ўтмас рақибини оёқдан йиқитди. Ўшанда А.Алиев шаънига анча вақтгача гулдурос қарсак янграб турди.

Алишер сиз ҳар куни кўчада учратадиган тенгдошларидан фарқ қилмайди. Уятчан, тортинчоқ, эришган ютуқларини сўрасангиз ҳам ҳикоя қилиб беришга қийналади. Унга «Олтин медал» ва жаҳон чемпионлиги унвонини олиб берган ва шу йил 26 апрел-1 май кунлари мамлакатимиз пойтахтидаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бўлиб ўтган учинчи жаҳон чемпионати мусобақалари тафсилотини сўраймиз. Боланинг айтишича, хориждаги уч давлатдан ташриф буюрган кикбоксингчиларни ғоят қисқа муддатларда мағлуб этганлиги учун шундай шарафга муяссар бўлган.

Ушбу чемпионатда Наманган вилоятидан 35 нафар спортчи иштирок этди ва катта муваффақиятга эришиб қайтди. 10 нафар ўқувчи 1-ўринни, 20 та ёш спортчи эса иккинчи ва учинчи ўринларни забт этди. Чунончи, Алишер билан бир мактабда ўқиб А.Тошбоев мураббийлигида ёнма-ён машқ қилган Б.Раҳмонов иккинчи, Ж.Файзуллаев эса учинчи ўринни эгаллади.

**Ж.ОБИДОВ**

## Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

# БАРАКА ДАРЁСИ

***Бахри холанинг роса боши қотди. Кутилмаганда кенжа набираси Солижоннинг томоғи бўртиб, тупик ютишга ҳам ҳоли қолмаса бўладими! Мана шундан бери иситма ўртайди. Дўхтирга кўрсатди, дори ёзиб беришди. Асосийси, қайнаган сигир сутини бот-бот ичиринг, дейишди. Энди шуниси етмай турувди. Бугун ҳам икки-уч чақирим наридаги бозордан топиб келади, шекилли. Ўз ота-онаси бўлганида кампир бечора бунчалик қийналиб юрмасмиди? Одамнинг боши Аллоҳнинг тоши, деганларидек уч йил илгари иккинчи сменада ишлаётган ўғлини автомашина уриб кетди. Тақдири азалми, бир йил ўтар-ўтмас келини ҳам даладан шамоллаб қайтди-да, ўн кунга бориб-бормай бандаликни бажо келтирди. Уч норасида гўдак холанинг ўзига қолди.***

Аввалига йиғлади-сиқтади, охири бу куйиш-ўртанишлар беҳуда эканлигини тушунди. Мабодо ўзи ҳам оёқдан йиқилса, болалар кўчада қолади ахир!

Шукрки, корхонадагилар баҳоли қудрат кўмакларини аяшмаяпти. Қолаверса, давлат ҳам болаларга ойма-ой нафақаларини бериб турибди. Барибир тирикчилик ўтказиш, рўзғор тебратиш осон эмас. Хола эрталабдан кечгача мана шу уч норасиданинг еяр-ичарини деб елиб, югуради. Эндигина қўлига банка олиб, ўрнидан қўзғалаётганида кўча эшик тақиллаб қолди. Қараса, бузоқли сигир етаклаган тўрт киши. Улардан бирини таниди. Ўғли узоқ вақт меҳнат қилган пахта заводида ишлайди.

— Келинглар, болаларим, келинглар, — деди хола уларни бошқа бировнинг уйи билан адаштириб қўйишди деган хаёлда. — Ким керак эди?

— Сизларникига келяпмиз, хола, — кулиб жавоб қайтарди ҳалиги таниш йигит.

— Марҳамат, бемалол, — хола нима дейишни билмасдан ва энг қизиғи, улар нега сигир етаклаб олишганига ҳамон ақли етмасдан каловланиб йўл бошлади.

Сигир етаклаган киши жониворни бузоғи билан ҳайдаб бориб, ҳовли четидаги ўрик танасига арқонлади. Ҳаммалари айвондаги каравотга ўтиришди. Қўл очиб ўтганлар руҳига, кичкинтойларнинг соғ-омон вояга етишларига истак билдириб юзларига фотиҳа тортишди. Хола шиша банкани ҳамон қўлидан қўймай тургани ёдига тушиб, кечирим сўради.

— Энди сут учун овора бўлиб бозорга бориб юрмайсиз, хола, — деди меҳмонлардан бири ташриф сабабини айтиб. — Корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси шароитингизни ҳисобга олиб ва ўғлингиз узоқ вақт ишлаганини эътиборда тутиб оилангизга сигир тортиқ қилди.

— Раҳмат, болаларим, раҳмат, — деди хола негадир ноқулай вазиятга тушиб. — Лекин сигирнинг ҳақини тўлашга қўлим калталик қилади. Анчадан бери набираларим оғзи оққа тегсин, деб пенсиядан пул йиғиб юрибман. Худо етказса, эчки сотиб олиш ниятим бор. Сигирни кейинроқ, набираларим вояга етганда оламиз.

— Хотиржам бўлинг. Сигирни бепул, текинга ташлаб кетамиз, — ҳалиги одам энди батафсилроқ тушунтиришга ўтди. — Президентимиз кам харж ва кўп болали оилаларни соғин сигир билан таъминлаш юзасидан махсус қарор қабул қилдилар. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўзаро маслаҳатлашиб, сизнинг оилангизга соғин сигир олиб бериш юзасидан гапни бир жойга қўйди. Энди сигир сизники.

Бахри холаю бундай хайрли ишга бош қўшган Юртбошимизни қайта-қайта дуо қилганча меҳмонларни кўчагача кузатиб қўйди.

Норин «Тола» ажратиш акциядорлик жамияти Бахри холадан ташқари Ҳаққулобод шаҳарчасида яшовчи Обиджон Умаралиев, Қаҳрамон Нуриллаев, Азизахон Солиева каби кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ҳам соғин сигир совға қилди.

«Тола» акциядорлик жамияти бошлаб берган хайрли иш кенг оммалашиб бормоқда. Чунончи, пиллахона маъмурияти Адашхон Каримова оиласига, «Шаҳбоз Шавкат» фермер хўжалиги Асилбек Мансуров оиласига, «Ҳаққул ҳожи қизи» фермер хўжалиги эса Анвар Одилов оиласига соғин сигир элтиб бердилар. Умуман, тумандаги бир юз қирқ нафарга яқин кам таъминланган ва кўп болали оила ана шу йўл билан соғин сигир эгасига айланди.

Элда сигирни барака дарёси, дейишади. Ушбу дарё саховатпеша инсонлар ҳиммати туфайли кўплаб хонадонларга оби ҳаёт олиб кирмоқда.

**Ҳамиджон БАДРИДДИНОВ,**
**агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Норин тумани кенгашининг раиси**

## «Бандлик» дастури— амалда

# бутун оила манфаат кўради

фуқаро эса муддатидан олдин пенсияга расмийлаштирилди.

Шаҳар ва туман меҳнат бўлимлари томонидан ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ўз-ўзини бошқариш органлари ва албатта касаба уюшмалари билан ҳамкорликда 14 маротаба меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 384 та корхона ва ташкилотлар ўзларида мавжуд бўлган иш ўринлари билан қатнашдилар.

Саъй-ҳаракатлар зое кетмаганлигини шундан ҳам билса бўладики, «2006 — 2007 йилларда аҳолини иш билан таъминлаш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастури»га биноан шу йилнинг тўрт ойида 10261 та иш ўрни яратиш белгиланганлиги ҳолда ҳақиқатда 12374 та иш ўринлари барпо этилди. Бу — топшириқ 120,8 фоиз бажарилди, деганидир.

Кези келганда, жорий йилнинг биринчи ярим йил якунига қадар дастур кўрсаткичларини бажариш юзасидан доимий мониторинг ўрнатилганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳар бир ариза ва илтимос замирида инсон тақдири ётибди. Бинобарин, битта бўлса ҳам кўпроқ иш ўрни яратилса, билингки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бутун бир оила бундан манфаат кўради.

**Олимжон ГАКБАРОВ,**
**вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари**



*Бозорнинг биринчи қоидаси рақобатга дош беришу ҳар хил танлов ва тендерларда чапак чалиб қолмаслик. «Наманганттехнолог» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бажарилган ишлар сифатли бўлганлиги учун ҳам уларнинг хизматига талабгорлар кўп.*

*Элда бир нақл юради: қаердаки тинчлик-осойишталик, тўкин-сочинлик бўлса, ўша жойда бунёдкорлик авж олади.*

## Мулкдорлар ҳузурида

# ҚАДР-ҚИММАТ биринчи ўринда

***Эргашбой ота аввалига Учқўрғон туманида, кейин эса Уйчининг Ёрқўрғон қишлоғида узоқ йиллар ишлади. Умри далада ўтди, бош пудратни бошқарди. Нафақага чиққач, кўп яшамади, дорилбақога рихлат қилди. Ўлими олдидан фарзандларига васият қилди: элда обрў топаман десангиз ҳалол ризқ изланг, меҳнатдан қочманг. Ана шунда отангизни рози қилган бўласиз...***

Ака-ука Ҳошимжон ва Раҳимжон Бобомирзаевлар ота васиятини дилга жо қилиб, у киши ишлаган бош пудрат ўрнида янги фермер хўжалиги ташкил этишди. Хўжаликка ота номини беришди. Мана шунга ҳам олти йил бўлди.

«Эргашбой ота» фермер хўжалиги бугун нафақат Ёрқўрғонда, балки Уйчи туманида ҳам энг пешқадам жамоалардан бири саналади.

— Бунинг боиси нимада? — дея савол берамиз фермер хўжалиги муассисларидан бири Раҳимжон Бобомирзаевга.

— Нокамтаринликка йўймангу, ўтган йиллар мобайнида аъзоларимиздан бирортаси «Мен меҳнатимга яраша манфаат кўрмадим, бўлди энди, бирга ишламайман», демади. Бунинг боиси бор, албатта. Ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва яна энг муҳими, бир-бирини қадрлаш бизда биринчи ўринда туради.

Унинг фикрларини фермер хўжалиги ҳисобчиси Шокиржон Мирзабоевдан олган рақамларимиз тўлдиргандек бўлди. Сиз ҳам бир сарҳисоб қилиб кўринг-а: давлат омборига 291 тонна сара дон тўкилиб, 2005 йил ғаллачиликнинг ўзидан 18 миллион сўм соф фойда билан якунланди. Режадан ортиқча тайёрланган 70 тонна ғалланинг асосий қисми бош ишчи ҳисобланган механизатор ва сувчиларга 2,5 — 3 тоннадан, қолганларга эса 500 килограммдан 1,5 тоннага қадар тарқатилди. Бугина эмас, жорий йилнинг Наврўзида фермер хўжалиги ташкил этилгандан буён ишлаётган қирқ нафар пудратчига гилам, янгидан қабул қилинган 14 нафар ишчига палос ва бошқа қимматбаҳо совғалар берилди. Хуллас, фақат ўз ҳамёнини ўйлаш бу ерда бегона — ҳамма нарса ўртада. Қишлоқ марказидан ишловчиларни далага олиб келиш учун «Паз-53», «Форд» автомобиллари ажратилган, икки-уч маҳал иссиқ овқат ҳам бепул. Шундай бўлгач, одамлар виждонан ишлаши бор гап.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор бердик. Республикамиз Президентининг 215-сонли қарорига биноан Наманган вилоятида ҳам 44 та ширкат хўжалиги тугатилди. Жумладан, Уйчи туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги ҳам. Шу муносабат билан «Эргашбой ота» фермер хўжалиги тендерда қатнашиб, ер майдонларини яна 30 гектарга кенгайтирди. Бугун 63,9 гектар майдонда пахта, 41,6 гектарида ғалла ва беш гектарида тут етиштирилмоқда. Бугун ғалла майдонларида бошоқлар олтин тусини олган. Камида 70 центнердан сара дон етиштириш кўзланган. Ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

— Биз бир оила фарзандидек аҳил-иноқмиз. Кўриб турганингиздек, дала шийпонимиз — иккинчи уйимиз. Шинамлиги ҳам шундан. Ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратилган, — дейди узоқ йиллардан буён механизаторлик қилиб келаётган Турғунпўлат Муталов. — Меҳнатингиз ўз ўрнида қадрланса, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш жойида бўлса, ишлаб чарчамас экансиз. Ғалламиз ана-мана бўлаdensман, деб турибди. Бугун-эрта ўрим-йиғим ҳам бошланади. Илоҳим, юртимиздан тўкинчилик асло аримасин.

Яна бир гап: фермер хўжалиги раҳбари Раҳимжон Бобомирзаев хайрли ишга қўл урди. Собиқ ширкат хўжалигининг маҳсулотлар сақланадиган омбори сотиб олинди ва бу ерда 50 — 60 нафар кишини иш билан таъминловчи янги трикотаж цехи барпо этилмоқда. Бу цех республикамиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

Бугун Наманганда ўн мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. «Эргашбой ота» фермер хўжалиги шуларнинг бири. Ирмоқлар қўшилиб, дарё ҳосил бўлганидек, ана шу фермерлар вилоят пахтаси-ю, ғалласи мўл бўлишига бутун куч-ғайрат, бой тажрибасини сарфламоқда.

**Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,**
**«Наманган ҳақиқати» вилоят газетаси бўлим мудири**

**Саҳифани тайёрлаганлар Зайниддин РИХСИЕВ, Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ**



*Дўппи тикдим ипаклари тиллодан*

## Ёзги соғломлаштириш

# ЗАВҚЛИ ОНЛАРГА

## кўнгилсизлик соя ташламасин

***Болалар дам олиш масканларини мавсумга тайёрлашда ёнғин хавфсизлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда арзимас туюлган майда нарсанинг ўзи йўқ. Боиси, кичкинагина нососзлик туфайли катта ёнғинлар келиб чиққанлиги ҳаётда кўп кузатилган.***

Ўтган йилги мавсумда ёзги дам олиш оромгоҳлари аҳволи текширилганда, айримларида ёнғинларнинг олдини олиш борасидаги ишларда қатор камчиликлар мавжудлиги, тегишли раҳбарлар томонидан уларни бартараф этиш чоралари кўрилмаганлиги қайд этилганди. Айниқса, ёнғин ўчириш қисмларидан узоқда жойлашган оромгоҳларда телефон ёки радио алоқалари ҳамда ўтни ўчириш учун мўлжалланган сув манбаларининг йўқлиги, биноларнинг ёғоч қурилиш қисмларига кимёвий суюқлик билан ишлов берилиб, тез ёниш хусусияти пасайтирилмаганлиги, электр тармоқлари қоидага хилоф равишда ўтказилганлиги, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг етишмаслиги ёки умуман мавжуд эмаслиги ташвишланарли ҳол эди.

Ана шундай масъулиятсизликка йўл қўймаслик мақсадида бу йил ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари юртимиздаги барча болалар оромгоҳларининг ёнғинга қарши ҳолатини тўлиқ назоратдан ўтказишди. Аниқланган камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш бўйича дам олиш масканлари раҳбарларига асосли таклифлар киритилиб, уларнинг ўз вақтида бажарилиши қатъий назоратга олинди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, тарбиячи ва болалар билан доимий равишда тушунтириш ишлари олиб бориш, ёш ёнғин ўчирувчилар гуруҳларини тузиб, улар ўртасида мусобақалар ўтказиш, бурчаклар ташкил этиш учун ҳар бир оромгоҳга ёнғин назорати хизматчилари бириктирилган. Барча оромгоҳларнинг ёнғин ўчириш режа ва варақалари қайта ўрганилиб, шахсий таркиб билан амалий машғулотлар ўтказиляпти.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим жойларда ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, соҳа ходимларининг аниқланган камчиликлар бўйича берган ёзма кўрсатмаларини бажармаслик ҳолатлари ҳам кузатилди. Ўз ишига совуққонлик билан қараётган раҳбар ва масъул шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Ёнғин келиб чиқиши хавфи бўлган бино, иншоот ва хоналарнинг камчиликлари тузатилишига қадар улардан фойдаланиш вақтинча тўхтатиб қўйилди. Нососз электр мослама ва агрегатларни ишлатиш тақиқланди. Бундан ташқари, оромгоҳларнинг ёнғинга қарши ҳолати қониқарсиз эканлиги тўғрисида маҳаллий ҳокимлик ва юқори ташкилотларга ахборотномалар киритилди.

Оромгоҳларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун уни келтириб чиқарувчи қатор омилларга ҳушёр муносабатда бўлиш талаб этилади. Жумладан, бинолардаги бузуқ электр тармоқларида бу хавфни юзага келтириш хусусияти кучли. Бунинг учун барча электр сим ва кабеллар ҳимоя қобиғларининг токка қарши чидамлилик даражаси синовдан ўтказилиши шарт. Талабга жавоб бермаган электр ўтказгич ва кабелларнинг нососз қисмлари, чироқни ёқиш қурилмалари ҳамда бошқа турдаги электр манбалар янгисига алмаштирилиши керак. Шунингдек, биноларнинг ёғоч қурилиш қисмлари ёниш тезлигини пасайтирувчи махсус кимёвий суюқлик билан ишланган бўлиши лозим.

Кечалари гулхан атрофида ташкил этиладиган ўйин-кулгулар оромгоҳ ҳаётига хос манзара. Бу болаларнинг қалбига эсда қоларли таассуротларни муҳрлайди. Ана шу завқли онларга кўнгилсизлик соя ташламаслиги учун гулхан ёқиладиган майдонга жой танлаш лозим бўлади. Уларнинг бинолардан узоқроқда ва атрофи қуруқ хашак, ёнувчи материаллардан тозаланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Энг муҳими, ҳудуднинг кўзга кўринарли қисмида ёнғин ўчириш воситалари ўрнатилган қалқон бўлиши керак. Унда белкурак, металл илгак, болта, икки донадан челак ва ёнғин ўчиргичлар жойланиши лозим. Ёнига эса сув тўлдирилган бочка ва қум солинган қути қўйилиши зарур.

Оромгоҳда ходимлар таркибидан камида тўрт кишидан иборат кўнгилли гуруҳ тузилиб, унинг мунтазам фаолият кўрсатишини таъминлаш керак. Ёнғин ўчириш қисмига фавқулодда ҳолат ҳақида хабар бериш учун телефон алоқаси, бундан тезлик билан болалар ва маъмуриятни огоҳлантириш учун радио тармоғи бўлиши талаб қилинади. Мавсумга жалб этилган тарбиячи ва ишчи-хизматчилар эса ёнғин чиққанда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш усулларини мукаммал эгаллаши даркор.

Бундан ташқари, болалар ўртасида кенг тарғиботни йўлга қўйиш, бу борада қизиқарли викториналар ўтказиб туриш хавфнинг олдини олишда катта ёрдам беради.

**Даврон ҚАМБАРОВ,**
**Ўзбекистон ИИВ ЁХББ ЁХТГ катта муҳандиси, капитан**

# ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНЛАРИ ТАҚВИМИ

**«А» ГУРУҲИ**

**9 июн.** Германия — Коста-Рика
Польша — Эквадор
**14 июн.** Германия — Польша
**15 июн.** Эквадор — Коста-Рика
**20 июн.** Эквадор — Германия
Коста-Рика — Польша

**«В» ГУРУҲИ**

**10 июн.** Англия — Парагвай
Тринидад-Тобаго — Швеция
**15 июн.** Англия — Тринидад-Тобаго
Швеция — Парагвай
**20 июн.** Парагвай — Тринидад-Тобаго
Швеция — Англия

**«С» ГУРУҲИ**

**10 июн.** Аргентина — Кот'Д Ивуар
**11 июн.** Сербия ва Черногория — Голландия
**16 июн.** Аргентина — Сербия ва Черногория
Голландия — Кот'Д Ивуар
**21 июн.** Голландия — Аргентина
Кот'Д Ивуар — Сербия ва Черногория

**«D» ГУРУҲИ**

**11 июн.** Мексика — Эрон
Ангола — Португалия
**16 июн.** Мексика — Ангола
**17 июн.** Португалия — Эрон
**21 июн.** Португалия — Мексика
Эрон — Ангола

**«Е» ГУРУҲИ**

**12 июн.** АҚШ — Чехия
Италия — Гана
**17 июн.** Италия — АҚШ
Чехия — Гана
**22 июн.** Чехия — Италия
Гана — АҚШ

**«F» ГУРУҲИ**

**12 июн.** Австралия — Япония
**13 июн.** Бразилия — Хорватия
**18 июн.** Япония — Хорватия
Бразилия — Австралия
**22 июн.** Япония — Бразилия
Хорватия — Австралия

**«G» ГУРУҲИ**

**12 июн.** Жанубий Корея — Того
**13 июн.** Франция — Швейцария
**18 июн.** Франция — Жанубий Корея
**19 июн.** Того — Швейцария
**23 июн.** Швейцария — Жанубий Корея
Того — Франция

**«Н» ГУРУҲИ**

**14 июн.** Испания — Украина
Тунис — Саудия Арабистони
**19 июн.** Саудия Арабистони — Украина
Испания — Тунис
**23 июн.** Украина— Тунис
Саудия Арабистони — Испания

**НИМЧОРАК ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИ**

**24 июн.**
«А» гуруҳи ғолиби — «В» гуруҳи иккинчи жамоаси
«С» гуруҳи ғолиби — «D» гуруҳи иккинчи жамоаси

**25 июн.**
«В» гуруҳи ғолиби — «А» гуруҳи иккинчи жамоаси
«D» гуруҳи ғолиби — «С» гуруҳи иккинчи жамоаси

**26 июн.**
«Е» гуруҳи ғолиби — «F» гуруҳи иккинчи жамоаси
«G» гуруҳи ғолиби — «Н» гуруҳи иккинчи жамоаси

**27 июн.**
«F» гуруҳи ғолиби — «Е» гуруҳи иккинчи жамоаси
«Н» гуруҳи ғолиби — «G» гуруҳи иккинчи жамоаси

**ЧОРАК ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИ**

**30 июн.**
А. 1 жуфтлик ғолиби — 2 жуфтлик ғолиби
В. 5 жуфтлик ғолиби — 6 жуфтлик ғолиби
**1 июл.**
С. 3 жуфтлик ғолиби — 4 жуфтлик ғолиби
D. 7 жуфтлик ғолиби — 8 жуфтлик ғолиби

**ЯРИМ ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИ**

**4 июл.**
«А» жуфтлик ғолиби — «В» жуфтлик ғолиби
**5 июл.**
«С» жуфтлик ғолиби — «D» жуфтлик ғолиби

**8 ИЮЛ. УЧИНЧИ ЎРИН УЧУН ЎЙИН**
**9 ИЮЛ. – ФИНАЛ**



# СООБЩЕНИЕ О РАСКРЫТИИ СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО «4-SON TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI»

Полное наименование — открытое акционерное общество «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI»

Местонахождение общества — Сергелийский район, ул.С.Талипова д.3.

**Порядковый номер сообщения — 05**
**Начисление и выплата доходов по ценным бумагам эмитента.**

Вид, категория ценных бумаг, по которым начислены и выплачиваются доходы — акция простая именная безналичная;

Дата принятия эмитентом решения о начислении и выплате дивидендов по акциям — 05.06.2006г.

Дата выплаты дивидендов — с 09.06.2006г. по 04.08.06г.;

Орган эмитента, принявший решение о выплате дивидендов — Годовое общее собрание акционеров;

Размер дивидендов, начисленного и выплачиваемого на одну акцию — 7 сум 00 тийин;

Общее количество акций, по которым начислены дивиденды — 83278 штуки;

Форма выплаты начисленных дивидендов — наличные, безналичные денежные средства.

**ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» сообщает информация о раскрытии существенных факторах**
**ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ _ 09**
**Решение годового Общего собрания акционеров.**

Вид общего собрания — годовое;

Форма проведения общего собрания — очная;

Дата проведения годового общего собрания акционеров — 5 июня 2006 г;

Место проведения годового общего собрания акционеров — г.Ташкент, ул.С.Толипова (бывшая Мирзо Хайдара), д.3;

Кворум внеочередного общего собрания акционеров — 81038 голосов 97,31%

Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним.

**1**.Утверждение количественного и персонального состава счетной комиссии и регламент проведения годового Общего собрания акционеров.

По данному вопросу присутствующим было предложено проголосавать.

Проголосовали: «За» — 81 038 голосов; «Против» — 0 голосов; «Воздержались» — 0 голосов.

**Решили утвердить:**

* Счетную комиссию в составе: Фаткулина Н.А.Голубева Л.В.

Сарсенбаев М.Б. — представитель реестродержательской фирмы ООО «TAT-REESTR».

**2.**Отчет Директора **ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI»**
о результатах финансово-хозяйственной деятельности общества по итогам 2005 года.

**Проголосовали:** «За» — 81 038 голосов; «Против» — 0 голосов; «Воздержались» — 0 голосов.

**Решили:** Признать работу Директора в 2005 году удовлетворительной, утвердить отчет о результатах финансово-хозяйственной деятельности.

**3.**Утверждение заключения аудиторской проверки и акта ревизионной комиссии по проверке финансово-хозяйственной деятельности ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» по итогам 2005 г.

Проголосовали: «За» — 81038 голосов; «Против» — 0 голосов; «Воздержались» — 0 голосов.

**Решили:** Утвердить заключение аудиторской проверки и акта ревизионной комиссии по проверке финансово-хозяйственной деятельности **ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» за 2005 год.**

**4.**Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, отчета о прибылях и убытках ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» по итогам 2005 г.

**Проголосовали:** «За» — 81038 голосов; «Против» — 0 голосов; «Воздержались» — 0 голосов.

**Решили:** Утвердить годовой отчет и бухгалтерский баланс, отчет и прибылях и убытках ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» по итогам 2005 г.

**5.**Утверждение отчета Наблюдательного совета **ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» по итогам работы в 2005 г.**

**Проголосовали:** «За» — 81038 голосов; «Против» — 0 голосов; «Воздержались» — 0 голосов.

**Решили:** признать работу Наблюдательного совета **ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI»** с оценкой удовлетворительно.

**6.**Распределение прибыли за 2005 год.

5 % от чистой прибыли в размере 431 018 сум направить на формирование Резервного фонда;

покрыт убытки прошлых лет в размере 7 081 367 сум за счет части чистой прибыли, полученной обществом по итогам 2005 г., а оставшуюся часть в размере 1 107 978 сум распределить следующим образом:

* 52,61 % от оставшейся чистой прибыли, в размере 582 946 сум направить на выплату дивидендов;

* 47,39% от оставшейся чистой прибыли, в размере 525 032 сум направить на развитие производства.

*** Проголосовали: «За» — 81038 голосов; «Против» — 0 голосов; «Воздержались» — 0 голосов.**

**Решили: Утвердить порядок распределения чистой прибыли общества за 2005 г.**

**7**.Перевыборы состава Наблюдательного совета **ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».**

**Мавланова Н.А. — 81 038 голосов: Шашков Д.А. — 81 038 голосов; Геворкян Б.Г. — 81 038 голосов.**

**Решили:** Избрать новый состав Наблюдательного совета ОАО **«4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI»** в составе 3 членов: Мавланову Н.А., Шашкова Д.А., Геворкян Б.Г.

**8**.Перевыборы состава Ревизионной комиссии **ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».**

**Проголосовали:** «За» — 81038 голосов; «Против» — 0 голосов; «Воздержались» — 0 голосов.

**Решили:** Оставить состав Ревизионной комиссии ОАО **«4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI»** в составе 3 членов: Богачкина Л.Н., Евдокимова С.В., Васильева Н.С.

**9.** Утверждение бизнес-плана развития на 2006г. ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI»

**Проголосовали:** «За» — 81038 голосов; «Против» — 0 голосов; «Воздержались» — 0 голосов.

**Решили:** Утвердить бизнес-план развития на 2006 г. **ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».**

**10.** Утверждение директора **ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI»** и заключение с ним на 2006-2007гг. договора о найме.

**Проголосовали:** «За» — 81038 голосов; «Против» — 0 голосов; «Воздержались» — 0 голосов.

**Решили:** продлить договор найма с директором **ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI»** Алиевым Ф.А. сроком на один год до следующего Общего собрания акционеров.

**11.** Утверждение аудиторской организации на 2006 г. и определение предельного размера ее оплаты;

**Проголосовали:** «За» — 81038 голосов; «Против» — 0 голосов; «Воздержались» — 0 голосов.

**Решили**: Утвердить в качестве аудитора Общества в 2006 году, аудиторскую компанию ООО «PROGRESS-2» и предельный размер оплаты ее услуг не более 400 000 сум.

**Сообщение о раскрытии существенных фактах ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».**

**Порядковый номер сообщения — 10**
**Изменения в персональном составе должностных лиц.**

| | | |
|---|---|---|
| **Орган управления эмитента, в котором произошли изменения** | — | **Наблюдательный совет** |
| **Члены Наблюдательного совета полномочия, которых прекращены:** | — | **Б.Г.Ахмедов** |
| **Избраны в новый состав Наблюдателного совета:** | — | **Н.А.Мавланова — не акционер, Б.Г. Геворкян — не акционер, Д.А.Шашков — не акционер.** |
| **Орган управления эмитента, в котором произошли изменения** | — | **Исполнительный орган** |
| **Продлены полномочия Директора общества на 2006 г.** | — | **Ф.А.Алиев** |
| **Дата, в которой произошли изменения** | — | **«5» июня 2006 г.** |
| **Уполномоченный орган эмитента, принявший решение, является основанием указанных изменений** | — | **Годовое общее собрание акционеров, проведённое 5 июня 2006 г.** |

*Турфа олам*

# НИМАГА ШУНДАЙ?

Дунёда энг баланд чўққи Ҳимолай тоғининг Жамолунгма чўққиси эканини кўпчилик яхши билади. Унинг Хитой ва Непал давлатлари оралиғида жойлашганлиги ва ер сатҳидан 8848 метр баланд экани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Аммо бу ном айрим манбаларда нима учундир Эверест деб аталиши кўпчиликка номаълум. Бунинг сабаби, Ҳиндистон Англиянинг мустамлакаси бўлган даврларда Эверест исмли инглиз мутахассиси ана шу чўққини забт этиш иштиёқида бўлган.

Мустамлака мамлакатда каттагина ер эгаси бўлган бу кишининг орзулари кейинчалик рўёбга чиққан. Аммо чўққи унинг исми билан атала бошланган.

## БУ — ҚИЗИҚ

Агар югурувчининг оёғи чумолиникига ўхшаб тез ҳаракат қилганда эди у соатига 1.500 километр тезлик билан чопарди.

* * *

Му — бу қадимги ҳинд масофа бирлигидир. Бу сигирнинг овози эшитилган жой билан белгиланган.

* * *

Электрон ҳисобловчи машина юз минглик белгигача аниқ ҳисоблайди. Бунинг учун машинага саккиз соат керак бўлади, холос.

Агар бу ишни инсон бажармоқчи бўлса, унга 30 йил керак бўларди.

* * *

Ер юзидаги халқларнинг 10 фоизи сувни водопроводдан, 90 фоизи эса турли чашмалардан ичадилар.

**А.АЛИЕВ тайёрлади**

ООО «DORUDDABO» Шайхонтохурского района г.Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда общества с 40155000 сум на 20150000 сум.

Претензии принимаются в течении двух недель со дня опубликования объявления по

**тел: 392-02-22.**

**Ishonch**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - Ҳ.Абдужалилов
Навбатчи муҳаррир - Ш.Норкулова
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков
Навбатчи - Р.Орипов

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 14.908 | E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru | Буюртма Г— 814

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди -